

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1569-ҳадис

1569/4008 – عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْبَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ الْآيَاتَانِ مِنْ آخِرِ سُورَةِ الْبَقَرَةِ، مَنْ قَرَأَهُمَا فِي لَيْلَةٍ كَفَّتَاهُ.

1569.4008. Абу Масъуд Бадрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бақара сурасининг охирида икки оят бор. Ким кечқурун уларни ўқиса, унга кифоя қилади», дедилар».

Абдурраҳмон\* айтади: «Кейин мен Абу Масъуд Байтни тавоф қилаётганида учратиб қолиб, ундан сўраган эдим, у менга шуни айтиб берди».

\* Абдурраҳмон – мазкур ҳадисни Абу Масъуд розияллоху анхудан Алқама орқали ривоят қилган ровий. У ушбу ҳадиснинг бевосита Абу Масъуд розияллоху анхунинг ўзидан ҳам эшитиб, аниқлаб олган экан.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVAIDLARI